

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САЛИЖОНОВА ШАХНОЗАХОН ДИЛМУРОДОВНА

**ЯНГИ ТУРДАГИ МАРГАРИН МАҲСУЛОТЛАРИНИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Салижонова Шахнозахон Дилмуродовна Янги турдаги маргарин маҳсулотларини олиш технологиясини такомиллаштириш	3
Салижонова Шахнозахон Дилмуродовна Совершенствование технологии производства нового вида маргариновой продукции	21
Salijonova Shakhnozakhon Dilmurodovna Improving the technology for producing new types of margarine.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САЛИЖОНОВА ШАХНОЗАХОН ДИЛМУРОДОВНА

**ЯНГИ ТУРДАГИ МАРГАРИН МАҲСУЛОТЛАРИНИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияда В2020.3.PhD/T1790 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рузибоев Акбарали Турсунбоевич
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий ошпонентлар:

Исабоев Исмоилжон Бабажонович
техника фанлари доктори, профессор

Аҳмедов Азимжон Нормуминович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий Кенгашнинг «22» 05 2021 йил соат «9» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.). Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (105 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч.32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2021 йил «10» 05 куни тарқатилди.
(2021 йил «07» 05 даги №7/21 рақамли реестр баённомаси).



С.М.Туробжонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Э.Кодиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

К.О. Додаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда аҳоли ўртасида ошиб бораётган қандли диабет, ортиқча вазн, юрак қон-томир касалликларининг олдини олиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу касалликлар нотўғри овқатланиш ва ёғ-мой маҳсулотларини меъеридан кўп истеъмол қилиш билан боғлиқ. Мазкур касалликлар профилактикаси учун маҳсус ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хусусан, ноанъанавий хомашёларни қайта ишлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда ноанъанавий ўсимлик хомашёларида самарали фойланиш, улардан маргарин, майонез ва шу каби ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, мақсадли қайта ишлаш жараёнларини такомиллаштириш, маҳаллий хомашёлардан маргарин рецептураларини тузиш, юқори сифатли маргаринлар олиш технологиясини яратиш, маҳсулотларнинг озуқавий ва биологик қимматини ошириш, табиий хомашёлардан самарали фойдаланиш ҳамда маҳсулот ассортименти кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда маҳаллий хомашёлардан ёғ-мой маҳсулотлари олиш технологиясини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, муҳим илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ муҳим вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, юқори сифатли маргарин рецептларини ишлаб чиқиш, функционал қўшимчалар билан бойитиш ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, маҳсулотлар турларини кенгайтириш ҳамда сифатини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сон «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сон «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналишлар бўйича ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалик, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Маргарин рецептини бойитиш, сифатли маргарин ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, инулинли озиқ-овқат маҳсулотларини тадқиқ қилиш бўйича Б.Н. Тютюнников, А.Л. Маркман, А.Г. Сергеев, А.И. Глушенкова, А.П. Нечаев, В.В. Ключкин, Н.С. Арутюнян, Е.П. Корнена, А.Н. Лисицин, Ю.К. Кадиров, С.А. Абдурахимов, И.Б. Исабаев, А.Т. Рўзобоев, С.Х. Абдураззакова, Ғ. Рахмонбердиев, Д.А. Рахимов, Қ.О. Додаев ва бошқалар илмий-амалий фаолиятлар олиб боришган.

Улар томонидан маргарин рецептини такомиллаштиришда саломас, пахта пальмитини, пальма мойи, перезтерификацияланган ёғлар ва пахта мойларини қўллаш, ушбу хомашёларнинг маргаринни органолептик кўрсаткичларига салбий таъсирини камайтириш, эмульсияни совитиш жараёнларини тезлаштириш, унинг турғунлигини ошириш ва самарали сақлаш усуллари тавсия этилган. Шунингдек, инулин хомашёларини чуқур қайта ишлаш, инулинли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сақлаш технологиялари ҳам тадқиқ қилинган.

Шу билан бирга, маргарин ишлаб чиқариш жараёнида йўқотишларни камайтириш, совитиш технологиясини такомиллаштириш, иқтисодий самарадорликка эга энергия тежамкор технологияларни яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Маргарин маҳсулотларининг хавфсизлик нуқтаи назаридан сифатини ошириш, унинг профилактик хусусиятларини яхшилаш, рецептларни шакллантиришда ноанъанавий хомашёлардан кенг фойдаланиш ва маҳсулот ассортиментларини кенгайтириш бўйича изланишлар олиб борилиши лозим.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №АМ-ФЗ-201908159 «Маҳаллий хомашёлар асосида функционал кўшимчалар билан бойитилган парҳезли маргарин олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2020-2022 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади топинамбур туганаги шарбати ва перезтерификацияланган ёғлар асосида паст калорияли диабетик маргаринлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий топинамбур туганагидан олинадиган шарбатнинг таркиби ва физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш;

олинган топинамбур туганагининг шарбатини «ёғ-сув» эмульсияларининг турғунлиги ва маргариннинг физик-кимёвий хусусиятларига таъсирини ўрганиш;

топинамбур туганаги шарбатини паст калорияли маргаринларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ва органолептик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш ҳамда жараённинг мақбул шароитларини аниқлаш;

топинамбур туганаги шарбатини маргарин эмульсиясини тайёрлаш ва унга ишлов бериш жараёнларига таъсирини тадқиқ қилиш;

топинамбур туганагининг шарбатини қўллаган ҳолда олинган янги турдаги паст калорияли маргаринларни сақлаш муддати ва сифатига таъсирини аниқлаш;

паст калорияли диабетик маргарин олиш технологиясини такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорликни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти маҳаллий топинамбур туганагининг шарбати (ТТШ), сарийёғ, дезодорацияланган переэтерификацияланган ёғ, фосфатид концентрати, эмульгаторлар ва бошқа қўшимчалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети топинамбур туганаги шарбати қўшилган паст калорияли диабетик маргарин олишнинг технологик жараёнлари ва уларнинг кечиш қонуниятларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида хомашё ва тайёр маҳсулот хоссаларини аниқлашнинг умумқабул қилинган ва махсус органолептик, физик-кимёвий, микробиологик ва биокимёвий, корреляцион - регрессион таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий топинамбур туганагидан олинган шарбатнинг таркиби ва физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

олинган топинамбур туганаги шарбатининг «ёғ - сув» эмульсиялари турғунлиги ва маргарин физик-кимёвий хусусиятларига барқарор таъсири асосланган;

топинамбур туганаги шарбати ва переэтерификацияланган ёғлар асосидаги паст калорияли диабетик маргариннинг органолептик кўрсаткичлари ўрганилган;

маргарин рецептидаги топинамбур туганаги шарбати сув сарфини 2,4 мартта камайтириши, эмульсияни совутиш ва механик ишлов бериш жараёнларининг самарадорлигини ортиши исботланган;

топинамбур туганаги шарбати олинган паст калорияли диабетик маргаринларни сақлаш муддатини 1,3 - 1,5 марта ошириши аниқланган;

топинамбур туганаги шарбати ва переэтерификацияланган ёғлар асосида паст калорияли диабетик маргаринлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий мойли хомашёлар асосида юқори сифатли парҳезбоп маргарин рецепти ишлаб чиқилган;

топинамбур туганагидан маргарин ишлаб чиқаришда қўллаш мумкин бўлган оч рангли шарбат олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

топинамбур туганагидан олинган шарбатдан самарали фойдаланиб, профилактик мақсадларга мўлжалланган маргарин рецепти шакллантирилган;

янги турдаги маргарин рецепти асосида органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари янада яхшиланган маргарин олиш технологияси ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқаришга жорий этишда олинган техник-иқтисодий самарадорлик аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида топинамбур туганагидан олинган шарбатни қўшиб таёрланган маргаринларнинг физик-кимёвий таҳлили газ хроматографияси ва бошқа физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усуллари қўлланган ҳолда, лаборатория ва тажрибавий-ишлаб чиқариш шароитларида апробациясидан ўтказиш натижаларига кўра назарий ва тажриба маълумотларининг мос келиши билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий топинамбур туганагидан олинган шарбатни маргарин рецептига киритиш орқали таркибидаги сув миқдорини камайтиришга эришилиб, паст калорияли маргарин олиш технологиясини такомиллаштирилиши ҳамда пластиклик ва органолептик кўрсаткичларнинг яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти топинамбур туганагидан олинган шарбатни қўллаб, сув миқдорини камайтириш ва бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ва рақобатбардошлигини оширишга имкон берувчи инулин ва бошқа биологик фаол моддалар билан бойитилган паст калорияли диабетик маргаринлар олиш технологиясини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Ёғли эмульсия маҳсулотларининг сифатини ошириш ва озиқавий хавфсизлигини таъминлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

топинамбур туганагининг шарбати билан бойитилган паст калорияли маргарин рецепти «Sardoba agro holding» МЧЖ корхонасида амалиётга жорий этилган («Ўзёғмойсаноати» уюшмасининг 2020 йил 20 ноябрдаги ОЗ/3-1265 сон маълумотномаси). Натижада, паст калорияли маргарин ишлаб чиқариш технологияларида сув миқдорини 16 % гача камайтириш, профилактик хусусиятларини ва механик ишлов бериш самарадорлигини ошириш имконини берган;

переэтерификацияланган ёғлар асосида маргарин олиш технологияси «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ корхонасида амалиётга жорий этилган («Ўзёғмойсаноати» уюшмасининг 2020 йил 20 ноябрдаги ОЗ/3-1265-сон маълумотномаси). Натижада, транс-кислоталар миқдори 2,1 % гача камайган паст калорияли диабетик маргарин ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича 17 та илмий ишлар нашр этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия

қилинган илмий нашрларда 7 та, жумладан, 5 та хорижий журналларда мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 120 бетдан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Маргарин ишлаб чиқариш технологияси ва унинг турларини такомиллаштиришга замонавий ёндашувлар**» деб номланган биринчи бобида маргарин турлари ва уларни ишлаб чиқаришнинг хомашё базаси, маҳаллий топинамбур туганагидан олинадиган маҳсулотларнинг таркиби ва хусусиятлари ҳамда функционал кўшимчалар билан бойитилган ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг истиқболлари ёритиб берилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида диссертация ишининг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Маргарин олиш техникаси ва хомашёларни таҳлил қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида паст калорияли пархез маргарини ишлаб чиқаришда оптимал ёғли асосни танлаб олиш учун пахта, соя ва кунгабоқар мойлари, шунингдек пахта пальмитини, пальма мойи, озика саломаси, сариеғ ҳамда мол ёғларининг физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Паст калорияли маргаринлар олиш учун қаттиқ ёғларни ўрнига уларнинг суюқ мойлар билан аралашмаларидан олинган переэтерификатларини кўшиш яхши самара беришини инобатга олиб, лаборатория шароитида пальма ёғи, пальма стеарини ҳамда пахта пальмитинларини соя ва кунгабоқар мойлари билан аралаштириб, переэтерификация қилинган. Олинган переэтерификатларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари ва ёғ кислоталар таркиби 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Переэтерификатларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари ва ёғ кислота таркиби

Йод сони,% J ₂	Кислота сони, мг КОН/г	Намлик ва учув. моддалар мик., %	Эриш ҳарорати, °С	Ёғ кислота таркиби,%					
				C _{12:0+} C _{14:0}	C _{16:0+} C _{16:1}	C _{18:0}	C _{18:1}	C _{18:2}	Бошқа ё.к.
76-78	0,63-0,68	0,18-0,21	34,2-35,7	0,1-0,3	15,6-16,3	14,9-15,3	51,2-52,8	16,8-17,5	1,1-1,8

Юқорида келтирилган переэтерификатларнинг кўрсаткичлари озика саломасига яқин, бироқ пластиклигининг юқорилиги ҳамда ёғ кислоталар таркиби билан фарқ қилади.

Диабетик маргарин олиш учун унинг рецептига инулин ва шу каби бошқа прибиотиклар қўшилади. Инулиннинг асосий хомашё манбаларидан бири топинамбур ҳисобланади.

Тажриба тадқиқотларида қўлланилган шарбат Тошкент вилоятида етиштирилган «Файз-барака» ва «Мўжиза» каби маҳаллий топинамбур тугунакларидан олинди (2-жадвал).

2-жадвал

Топинамбур тугунакларининг асосий кимёвий таркиблари

№	Топинамбур Навлари	Умумий углеводлар, %	Инулин миқдори, %	Оқсиллар, %	Намлик, %
1	Файз-барака	19,2-22,6	12,3-14,1	1,6-3,2	65,8-72,4
2	Мўжиза	18,7-24,1	11,9-15,3	1,2-3,6	66,3-70,9

Келтирилган 2-жадвалдаги кўрсаткичларнинг маълум бир ораликда эканлиги топинамбур ҳосилларини баҳорда ёки кузда етиштирилганлигига, сақлаш шароитларига ва бошқа омилларга боғлиқ.


Диссертациянинг ушбу бобида, ТТШ ва маргарин олишнинг лаборатория қурилмалари тавсифи, баёни, хомашё ва тайёр маҳсулотларнинг таҳлил қилиш ҳамда олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш ва хатоликларни баҳолаш услублари келтирилган.

Диссертациянинг «**Маҳаллий топинамбур тугунагининг шарбатини қўллаб паст калорияли қуйма маргаринлар олиш жараёнларини тадқиқ қилиш**» деб номланган учинчи бобида паст калорияли маргарин рецептига киритиладиган ТТШни олишнинг барча усуллари таҳлил қилинган ва энг самаралиси таклиф этилган. Бу усул топинамбур тугунагини ювиш, тозалаш, майдалаш, қуриштириш ва топинамбур тугунагидан олинган кукунни сув билан экстракциялашга асосланган. Экстракция усулида шарбат олиш жараёнининг оптимал шароитлари аниқланган(1-расм). Топинамбур тугунагидан мазкур усулда олинган шарбат бошқа шарбатлардан ранги ҳамда таркибидаги углеводларнинг концентрацияси билан ажралиб турди.

Берилган 1-расмдаги графикдан кўринадикки, гидромодул 1:14 бўлганда ва экстракциялаш давомийлиги 90 минут бўлганда энг яхши натижалар олинган. Гидромодулнинг кейинги ортиши ҳамда экстракциялаш давомийлигининг кўпайиши инулиннинг чиқишига сезиларли даражада таъсир этмаган.

Гидромодул 1:14 бўлганда олинган эритманинг таркибидаги сув миқдори 80,8%, куруқ моддалар миқдори 19,2% ни, углеводларнинг умумий миқдори 16,3%ни, шундан инулин 11,6%ни ташкил этган. Бундай шарбатни концентрацияси паст бўлиб, уни маргарин таркибига киритиш иқтисодий жиҳатдан самарасиз ҳисобланади ҳамда фойдали моддаларнинг маргариндаги улуши паст бўлади. Шунинг учун шарбатни қолдиқ босим 150-200 мм.сим.уст мухитида, вакуум остида, 60-65°C ҳароратда буғлатиш таклиф этилди.

Буғлатилгандан сўнг топинамбур туганагининг концентрланган шарбати олинди(3-жадвал).



1-расм. Топинамбур туганагидан инулиннинг чиқиш миқдорига гидромуль ва экстракциялаш давомийлигининг таъсири.

Келтирилган (3-жадвал) маълумотларга эътибор берсак, тўрт хил концентрациядаги шарбатларнинг таркиби берилган. Бунда 1-намунадаги шарбат дастлабки буғлатилмаган эритма ҳисобланади. Унинг таркибидаги куруқ моддалар миқдори 19,2%, углеводлар миқдори 16,3% бўлиб, шундан инулин миқдори 11,6% ҳамда сув миқдори 80,8% ни ташкил этган. Ушбу шарбатни таркибидаги сувни буғлатиш орқали концентрацияси оширилганда 2, 3 ва 4-намунадаги шарбатлар олинган. Уларнинг таркибидаги куруқ моддалар миқдори мос равишда 32,22; 38,4 ва 58,51% бўлган бўлса, углеводлар миқдори 24,34; 32,6 ва 50% ни ташкил этган. Инулин миқдори 19,46; 23,2 ва 35,6% бўлган. Яъни, концентрланган шарбатни маргарин таркибига киритиш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, фойдали моддаларнинг маргариндаги улуши буғлатилмаган шарбатникидан юқори бўлади.


3-жадвал

Топинамбур туганаги шарбатларининг таркиби

№	Компонентлар номи	Топинамбур туганаги шарбатидаги компонентларнинг миқдори, %			
		Дастлабки	Буғлатишдан кейин		
			1 намуна	2 намуна	3 намуна
1	Оқсил	0,8	1,34	1,6	2,08
2	Углеводлар	16,3	27,34	32,6	50,0
	Жумладан: инулин	11,6	19,46	23,2	35,6
3	Озиқа толалар	0,8	1,34	1,6	2,45
4	Органик кислоталар	0,1	0,17	0,2	0,30
5	Минерал моддалар	1,2	2,03	2,4	3,68
6	Сув	80,8	67,78	61,6	41,49
7	pH	5,85	4,63	3,96	2,93

Озиқ-овқат маҳсулотларини, хусусан ёғли эмульсия маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун рецептура ва технологияларни ишлаб чиқишда,


ишлатиладиган кўшимчаларнинг коллоид-кимёвий хоссалари тўғрисидаги маълумотлар зарур бўлиб, ушбу кўрсаткичларни билиш маҳсулот таркибидаги моддаларнинг энг яхши мувофиқлигини ҳамда унинг органолептик хусусиятларини тахмин қилиш имконини беради. ТТШнинг коллоид кимёвий хоссалари тўғрисидаги маълумотлар етарли даражада эмас. Шу сабабли, лаборатория шароитида олинган шарбатни экстракт - ҳаво чегарасидаги сирт таранглигининг унинг концентрациясига боғлиқлиги ўрганилди ва олинган натижалар инулиннинг сувли эритмаси қийматлари билан таққосланди. Натижалар 2-расмда келтирилган.



Инулиннинг сувли эритмаси(1) ва топинамбурдан олинган шарбат(2)
2-расм. Эритмалар сирт таранглигининг куруқ моддалар концентрациясига боғлиқлиги.

Келтирилган 2-расмда экстракт-ҳаво чегарасидаги сирт таранглигининг куруқ моддалар концентрациясига боғлиқлиги эгри чизиғи кўрсатилган. Олинган натижалар асосида ТТШнинг сирт фаоллиги юқори эканлиги аниқланди. Сирт таранглигининг пастлиги, унинг таркибига кирадиган моддалар сирт фаол ва шунинг учун унинг молекулалари эритмада бирикмаларни ҳосил қилишга қодир деган хулосага келишимизга имкон беради. Шу туфайли шарбат турли эмульсияларни барқарорлаштириш учун стабилизатор сифатида ишлатилиши мумкин.

Топинамбур туганаги шарбатининг сирт таранглигини ўлчаш натижалари қовушқоқлик ва зичлик каби муҳим физик-кимёвий кўрсаткичларнинг фарқини кўрсатади. Ўрганилаётган моддаларнинг динамик қовушқоқлигини концентрацияга боғлиқлиги мос равишда 3-расмда кўрсатилган.



Инулиннинг сувли эритмаси(1) ва топинамбурдан олинган шарбат(2)
3- расм. Эритмалар динамик қовушқоқлигининг куруқ моддалар концентрациясига боғлиқлиги.

Ушбу расмдан кўринадики, шарбатнинг динамик қовушқоқлиги юқори қийматларни намоён этди, бу инулиннинг полимер табиати билан боғлиқ ва қовушқоқлик эгри чизигининг 30% дан юқори концентрацияда кескин ошиши - полимер занжирларининг ўзаро таъсири давомида молекуляр тузилмалар ҳосил бўлиши билан изоҳланади.

Бинобарин, юқоридаги тадқиқотлар асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, топинамбур шарбатини маргарин маҳсулотларига қўшилганда ўзининг сирт фаоллиги билан олинадиган маҳсулот эмульсиясининг барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

ТТШ қўшилган пархезли маргариннинг маҳаллий ёғли хомашёлар асосидаги ёғли фазаси таклиф қилинган. Ёғли асоснинг оптимал таркибини танлаб олиш учун тадқиқ қилинган ёғ ва мойларнинг қаттиқ триглицерид миқдори (ҚТМ) кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Маълумки, паст калорияли ва қаттиқ маргаринлар олиш учун озика саломаси, переэтерификацияланган ёғ ва пальма мойи энг оптимал ёғлар ҳисобланади. Пальма мойи импорт маҳсулоти бўлганлиги, озика саломаси таркибида транс-кислоталар мавжудлигини инобатга олиб, маргарин рецептининг ёғли асосини переэтерификацияланган ёғ ва сариеғ асосида шакллантириш тавсия этилди (4-жадвал).

4-жадвал

Топинамбур туганагининг шарбати қўшилган маргарин рецептининг ёғли асоси

№	Ёғ номи	Миқдори, %
1	Сариеғ	8,3
2	Переэтерификацияланган ёғ (мол ёғи - 45%, пахта пальмитини -27%, ўсимлик мойи -28%)	91,7
	Жами	100

Юқоридаги (4-жадвал) маълумотлардан кўриниб турибдики, кўп компонентли ёғли асос ишлаб чиқилган. Ёғли асос таркибида сариеғдан ташқари мол ёғи, пахта пальмитини ва ўсимлик мойларининг ёғ кислоталаридан иборат триглицеридлар мавжуд. Ёғ ва мойлар таркибидаги тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталарнинг миқдори ва уларни ўзаро нисбатлари маргариннинг физик хоссаларини белгилаб беради.


Кейинги тажрибаларда паст калорияли маргарин рецептига ТТШни киритиш орқали унинг профилактик хусусиятини ошириш бўйича изланишлар олиб борилди. Бунинг учун ТТШ лар маргарин рецептига киритилди. Рецептурани шакллантиришда аввалги тажрибаларда эришилган ютуқлар инобатга олинди. Тайёрланган рецептуралар 5-жадвалда келтирилган.

Келтирилган маълумотлардан (5-жадвал) кўриниб турибдики, М-1 рецепти таркибида бошқа рецептуралардан фарқли равишда сув ва қанд қўлланилган. Бошқа рецептураларда эса уларнинг ўрнига ТТШ қўлланилган, яъни қанд ишлатилмаган. Бунинг сабаби топинамбурдан олинган шарбат таркибида моно-ва дисахаридларнинг мавжудлиги билан тушунтирилади.


Топинамбур туганагининг шарбати қўшилган маргарин рецептуралари

Маргарин компонентлари, %	Рецептуралар				
	М-1 (назорат)	МИ-1	МИ-2	МИ-3	МИ-4
Ёғли асос	60	60	60	60	60
Бўёқ	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
Эмульгатор	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2
Туз	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4
Фосфатид концентрати	0,7	0,7	0,7	0,7	0,7
Антиоксидант	0,05	0,05	0,05	0,05	0,05
Қанд	0,4	-	-	-	-
Сув	38,15	-	-	-	-
ТТШ, 1-намуна	-	38,55	-	-	-
ТТШ, 2-намуна	-	-	38,55	-	-
ТТШ, 3-намуна	-	-	-	38,55	-
ТТШ, 4-намуна	-	-	-	-	38,55
Жами	100	100	100	100	100

ТТШ таркибидаги куруқ моддалар, айниқса инулин, маргариннинг структурасига, яъни қаттиқлигига ҳамда органолептик хусусиятларига қандай таъсир этишини ўрганиш учун маргаринларнинг қаттиқлиги таҳлил қилинди. Олинган натижалар 4-расмда келтирилган.



4-расм. ТТШ концентрациясининг маргарин қаттиқлигига таъсири.



5-расм. ТТШ концентрациясининг маргарин эмульсиясининг барқарорлигига таъсири.


Берилган 4-расмдаги маълумотлардан кўринадикки, маргарин таркибига ТТШ ни киритилиши унинг қаттиқлигига сезиларли таъсир этади. Графикнинг ўзгаришига эътибор берсак, концентрацияси юқори бўлган ТТШ қўшилган маргаринларнинг қаттиқлиги юқори бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бу ТТШ таркибидаги инулиннинг сув билан гелли фаза ҳосил қилиши ҳамда барқарор кристаллар пайдо бўлиши билан изоҳланади.

Кейинги тажрибада маргарин эмульсиясининг барқарорлигига ТТШ нинг таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Бунинг учун олинган маргарин эмульсиялари центрифугаланди ва фазаларнинг ажралиш даражасига қараб, эмульсияларнинг барқарорлиги баҳоланди(5-расм).

Навбатдаги, 5-расмдан кўринадикки, маргарин рецептига ТТШ киритилганда унинг турғунлиги сезиларли даражада ортади. Бу шарбат таркибидаги пектин, инулин ва бошқа моддаларнинг стабилизаторлик хусусиятлари билан тушунтирилади. ТТШ таркибидаги моддаларнинг концентрацияси ортган сари турғунлик ҳам ортиб боради.

Бугунги кунда маргариннинг микробиологик барқарорлигини ошириш мақсадида рецептурага лимон ва сут кислоталари киритилмоқда. Бунда маҳсулотнинг рН қиймати 4-6 га тенг бўлиши таъминланади.

Таклиф этилаётган маргарин рецептига қўшилаётган ТТШнинг рН муҳити маргариннинг органолептик ва физик-кимёвий хусусиятларига қандай таъсир этиши тадқиқ қилинди. Олинган натижалар 6-расмда келтирилган.




6-расм. Топинамбур туганаги шарбати рН муҳитининг маргарин перекис сонини ўзгаришига таъсири

Юқоридаги (6-расм) графикларнинг ўзгаришига эътибор берсак, муҳитнинг барча рН қийматларида перекис сонини ошиб боришини кўришимиз мумкин. рН қиймати 2,93, 3,96 ва 4,63 га тенг бўлган шарбат қўлланилганда перекис сони сақлашнинг 90 кунигача жуда секин ошиб борган. Ундан кейинги даврларда эса унинг ортиши сезиларли даражада ўзгарган. рН қиймати 5,85 га тенг бўлган шарбат қўлланилганда перекис сони сақлашнинг 60 кунигача жуда секин ошиб борган. Ундан кейинги даврларда эса сезиларли даражада ортиб борган. Шундай натижалар назорат учун олинган сув қўлланилганда ҳам кузатилган. Фақат бунда перекис сонининг кескин ўзгариши сақлашнинг 30 кунидан кейин юзага келган.

Маргарин таркибига қўшилаётган барча хомашёларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари бевосита олинган маргариннинг сифат кўрсаткичларига, жумладан, хомашёларнинг рН қийматлари ҳам таъсир кўрсатади. Сув-сутли фазанинг кислоталик даражаси маргариннинг кислоталигига ҳам таъсир этади. Шу сабабли кейинги тажрибаларда ТТШ нинг рН қийматини олинган


маргариннинг кислоталилигига таъсири тадқиқ қилинди. Олинган натижалар 7-расмда келтирилган.



7-расм. ТТШ нинг рН қийматини олинадиган маргариннинг кислоталилигига таъсири.

Келтирилган (7-расмдаги) маълумотлардан кўринадики, ТТШ нинг рН қийматини ошиб бориши билан олинадиган маргариннинг кислоталилиги камайиб боради. рН қиймати 2,93, 3,96, 4,63 ва 5,85 бўлган ТТШ қўлланилганда олинган маргаринларнинг кислоталилиги мос равишда 4,11, 2,98, 2,90 ва 2,5 °К га тенг бўлди. Назорат учун олинган дистилланган сув қўлланилганда эса 2,38°К га тенг бўлди. Олинган натижалардан кўринадики, рН қиймати 2,93 бўлган ТТШ қўлланилганда олинган маргариннинг кислоталилиги стандарт талабига (3,5°К) мос келмайди. 90 кунлик сақлаш даврида барча маргаринларнинг кислоталилиги кичик ўзгаришлар билан ошиб борган.

Маргарин маҳсулотлари тез бузилувчи озиқ-овқат маҳсулотлари қаторига кирганлиги сабабли, унинг таркибида антиоксидантлик хусусиятига эга қўшимчалар (фосфолипидлар, каратиноидлар ва ҳ.к.) кенг қўлланилади. Бу албатта маҳсулот таннархига таъсир этади.




1-анъанавий рецептурада тайёрланган маргарин (назорат);
2-топинамбур туганаги шарбати қўшиб олинган маргарин

8-расм. Олинган паст калорияли маргаринларнинг сақлаш муддати давомида перекис сонларини ўзгариши.

Юқоридаги, 8-расмда ТТШ кўшилган ва анъанавий рецептурада тайёрланган паст калорияли маргаринларнинг перекис сонини ўзгариши акс эттирилган. Ушбу расмдан кўриниб турибдики, ТТШдан тайёрланган паст калорияли маргаринни белгиланган сақлаш муддатида (6 ой) перекис сони деярли кам ўзгаради. 12 ой давомида ушбу маргаринни перекис сони белгиланган қийматдан (10 ммоль О/кг) ортади.

Бу шуни кўрсатадики, ТТШ қанд эритмасидан самарали ҳисобланиб, унинг таркибидаги полифеноллар маргариннинг перекис сонини ошишини сусайтиради.

Бу ҳолатни маргаринда ҳосил бўладиган иккиламчи оксидланган маҳсулотларни ўрганишда ҳам кузатса бўлади. Юқорида келтирилган 9-расмда ушбу маргаринларда анизидин сонини ўзгаришини кузатиш мумкин.




1-анъанавий рецептурада тайёрланган маргарин (назорат);
2-топинамбур туганаги шарбати кўшиб олинган маргарин

9-расм. Олинган паст калорияли маргаринларнинг сақлаш муддатида анизидин сонларини ўзгариши.

Берилган расм(9-расм)дан кўриниб турибдики, маргаринлар сақлаш муддати давомида маълум даражада иккиламчи оксидланган маҳсулотлар альдегид, кетонлар ва шу кабиларни ҳосил қилади. Бу уларнинг анизидин сонларини ортиши билан тасдиқланади. Бизга маълумки, бирламчи оксидларга (п.с.) қараганда иккиламчи оксидлар инсон саломатлигига кескин таъсир этади. Ушбу иккиламчи оксидланиш маҳсулотларини ҳосил бўлишини секинлаштиришда таклиф қилинаётган ТТШ қанд эритмасига қараганда маргарин сифатини яхшилаш учун керакли моддаларга бой хомашё эканлигини кўрсатади.

«Янги турдаги маргарин маҳсулотларини олиш технологиясини такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи боби маҳаллий топинамбур туганагининг шарбатини қўллаб олинадиган паст калорияли маргаринларни ишлаб чиқариш технологик схемаси ва шарт-шароитлари, ишлаб чиқилган технологиянинг саноат-синов натижалари ҳамда иқтисодий самарадорликни ҳисоблашга бағишланган.



10-расм. Топинамбур туганагининг шарбати қўшилган маргарин ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси:

1,2-ёғлар учун сиғим, 3-ўсимлик мойлари учун сиғим, 4,5,6-компонентлар учун сиғим, 7-шакар эритмаси ёки ТТШ учун сиғим, 8,9-тарози учун сиғимлар, 10-аралаштиргич, 11,12-гомогенизаторлар, 13-оралиқ сиғим, 14-юқори босимли насос, 15-пастеризатор, 16-совитиш тизимлари, 17-декристаллизатор, 18-кристаллизатор

Маҳаллий ёғли хомашёлар ва ТТШни қўллаб шакллантирилган рецептуралар асосида маргарин эмульсиясини тайёрлаш ва унга механик ишлов бериш жараёнларини олиб бориш учун технологик схема мукамаллаштирилди (10-расм).

Ишлаб чиқилган технологик схема асосида ТТШ қўшилган маргарин тайёрланди ва унинг физик-кимёвий ҳамда органолептик кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Олинган натижалар савдо расталаридаги маргаринларнинг кўрсаткичлари билан таққосланди(6-жадвал).

Юқоридаги 6-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, тавсия этилаётган топинамбур туганаги шарбати қўшилган рецептура асосида олинган маргарин юқори пластикликка ва дисперсликка, ишлов бериш қобилиятига, турғунликка ва оксидланиш барқарорлигига эга.

Анъанавий ва ТТШ қўшилган маргарин рецептуралари бўйича олинган маргаринлар 6 ой давомида + 10 °С ҳароратда музлатгичда сақланди. Сақлаш давомида ҳар ойда уларнинг перекис ва анизидин сонлари ҳамда органолептик кўрсаткичлари таҳлил қилиб борилди(7-жадвал).

6-жадвал

Маргаринларнинг органолептик ва физик-кимёвий хусусиятлари

Кўрсаткич номи	Маргарин намуналари учун меъёрлар				
	М-1 (назорат)	МИ-2	МИ-3	СРМ-1	СРМ-2
Озиқавийлик кўрсаткичлари (назарий) – 100 гр маҳсулотга нисбатан:					
Умумий ёғ миқдори, г	60,2	60,3	60,3	60,1	60,2
Протеин миқдори, г	-	0,15	0,3	-	-
Углеводлар миқдори, г	0,4	3,1	13,3	0,4	0,4
Жумладан инулин, г	-	2,26	9,53	-	-
Озиқа толаси, г	-	0,15	0,3	-	-
Кимёвий кўрсаткичлари					
Кислоталилиги °К	2,8	2,8	2,9	2,7	2,8
Намлик ва учувчан моддалар миқдори,%	38,2	38,1	38,0	38,2	38,3
Перекис сони, ммоль О/кг	4,81	4,82	4,81	5,14	5,27
Органолептик кўрсаткичлари					
Таъми	Сариёғ таъми, нейтрал			Таъмсиз	
Консистенцияси	Пластик, юмшоқ, осон суркалувчан		Пластик, бироз қаттиқ	Пластик, юмшоқ, суркалувчан	Пластик, бироз қаттиқ
Ранги	Оч сариқ		Новвот ранг	Оч сариқ	

Берилган маълумотлардан (7-жадвал) кўриниб турибдики, ҳар иккала рецептуралар бўйича олинган маргаринлар 6 ой давомида сақланганда, уларнинг органолептик кўрсаткичлари, перекис ва анизидин сонлари пасайиб борган, бироқ О'zDSt 3317-2018 талабларидан четлашмаган. Олинган натижаларга кўра, ТТШ қўшилган маргарин анъанавий маргаринга нисбатан яхши сақланганини кузатишимиз мумкин.

7-жадвал

Саноат-синов тажрибаларида олинган маргаринларнинг органолептик ва сифат кўрсаткичларини сақлаш даврида ўзгариши

Маргаринни сақлаш муддати, ой	Маргарин тури ва кўрсаткичлари					
	Органолептик, балл		Перекис сони, ммоль О/кг		Анизидин сони	
	анъанавий	ТТШ қўшилган	анъанавий	ТТШ қўшилган	анъанавий	ТТШ қўшилган
Дастлабки	10	10	4,81	4,82	1,80	1,79
1	9,6	9,8	4,85	4,85	1,85	1,83
2	9,3	9,6	4,92	4,90	1,92	1,88
3	8,9	9,3	5,19	5,01	2,11	1,93
4	8,4	9,0	5,42	5,33	2,28	2,04
5	8,0	8,8	5,83	5,58	2,46	2,11
6	7,6	8,5	6,22	5,83	2,61	2,18

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, маргарин рецептига ТТШ киритиш унинг органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичларини яхшилайти. Айниқса, маргариннинг сақлаш давомийлигини оширади. Бу эса таклиф этилаётган

рецептурани маргарин ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш учун тавсия этиш имконини беради.

ТТШ қўшилган маргарин рецепти асосида маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самардорлиги йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1000 т бўлган маргарин цехи учун 543 млн сўмни ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

1. Паст калорияли маргарин маҳсулотлари асосини шакллантириш мақсадида ўсимлик мойлари ва ёғларнинг қаттиқ триглицерид миқдорлари ҳароратга боғлиқ ҳолда тадқиқ қилинган ҳамда ёғлар композициялари ишлаб чиқилган.

2. Топинамбур туганагидан оч рангли шарбат ажратиб олиш жараёнининг мақбул шароитлари: ҳарорат 90°C, гидромодул 1:14 ва жараён давомийлиги 90 минут бўлганида аниқланган. Олинган ТТШ концентрланган ва инулиннинг концентрацияси 11,6 дан 35,6% гача бўлган эритмалар тайёрланган. Шарбатнинг экстракт-ҳаво чегарасидаги сирт таранглиги, динамик қовушқоқлиги ва зичлигини куруқ моддалар концентрациясига боғлиқлиги кўрсатиб берилган.

3. Рецептुरага ТТШ киритилганда, сувнинг масса улуши 38,5 дан 16 % гача камайиши, инулиннинг масса улуши 13,7% гача ортиши, натижада маргариннинг қаттиқлиги ва турғунлигининг ошиши кузатилди.

4. Маргарин таркибига қўшиладиган ТТШ нинг рН муҳити маргариннинг сифат кўрсаткичларига ва сақлаш муддатига сезиларли таъсир этиши исботланди. Шарбатнинг рН муҳитининг қиймати 2,93 дан 7 гача ортганда маргариннинг 180 кунлик сақлаш давридаги перекис сони 4,95 дан 6,8 ммоль О/кг гача ортиб бориши, таъми ва рангига сезиларли таъсир этиши ҳамда маргариннинг кислоталигининг пасайиб бориши аниқланди.

5. ТТШ таркибида полифеноллар мавжудлиги ҳисобига тайёрланган паст калорияли маргаринларнинг сақлаш муддатлари 1,3-1,5 марта ортиши кўрсатиб берилган.

6. ТТШ қўшилган маргарин рецепти асосида маргарин эмульсиясини тайёрлаш ҳамда унга механик ишлов беришнинг такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилди.

7. Ишлаб чиқилган рецептуралар асосида «SARDOBA AGRO HOLDING» МЧЖ корхонасининг маргарин ишлаб чиқариш цехида саноат синовлари олиб борилиб, жараённинг мақбул технологик шароитлари тавсия этилди.

8. ТТШ қўшилган маргарин рецепти асосида маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самардорлиги аниқланди. Унга кўра ишлаб чиқариш қуввати 1000 т бўлган маргарин цехининг йиллик фойдаси 543 млн сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО -ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

САЛИЖОНОВА ШАХНОЗАХОН ДИЛМУРОДОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРОИЗВОДСТВА НОВОГО
ВИДА МАРГАРИНОВОЙ ПРОДУКЦИИ**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2020.3.PhD/T1790

Диссертация выполнена в Ташкентском химико - технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу ik-kimyo.nu.uz и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Рузибоев Акбарали Турсунбоевич
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Исабоев Исмоилжон Бабажонович
доктор технических наук, профессор
Ахмедов Азимжон Нормуминович
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация: Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «22» 05 2021 г. в 9⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz).


Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за №105, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «10» 05 2021 года.
(протокол рассылки №7/21 от «07» 05 2021 г.).




С.М.Туробжонов
Председатель Научного совета по присуждению
учёной степени доктора наук, д.т.н., профессор


Х.И.Кадиров
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёной степени доктора наук,
д.т.н., профессор


К.О.Додаев
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению учёной степени доктора
наук, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире профилактика сахарного диабета, избыточного веса, сердечно-сосудистых и других заболеваний среди населения является одной из важнейших вопросов. Эти заболевания возникают при неправильном питании и чрезмерном потреблении жирных продуктов. Для профилактики этих заболеваний производство специальных масло-жировых продуктов, в частности, переработка нетрадиционного сырья имеет важное значение

В мире ведутся обширные исследования по эффективному использованию нетрадиционного растительного сырья, его производству в маргарине, майонезе и аналогичных масло-жировых продуктах. В этом аспекте, особое внимание уделяется совершенствованию целевых технологических процессов, разработке рецептур маргарина из местного сырья, разработке технологии получения высококачественных маргаринов, повышению пищевой и биологической ценности продуктов, эффективному использованию натурального сырья и расширению ассортимента продукции.

В республике проводятся научные исследования по созданию технологии производства масложировой продукции из местного сырья и достигнуты важные научные результаты. В третьей главе Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи по «...дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленный на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов»¹. В связи с этим большое значение имеют научные исследования, направленные на совершенствование технологии, применяемой в масло-жировой отрасли, увеличение выпуска продукции, расширение её ассортимента, а также улучшение качества маргариновой продукции.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, постановленных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП № 4887 от 10 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения», ПП № 4821 от 9 сентября 2020 года «О мерах по ускоренному развитию пищевой промышленности республики и полноценному обеспечению населения качественной продовольственной продукцией», ПП № 4118 от 16 января 2019 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию масложировой отрасли и внедрению рыночных механизмов управления отраслью», а также в других нормативно-правовых актах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Республики: V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по обогащению рецептуры маргарина, совершенствованию технологии производства качественной маргариновой продукции и инулиновой пищевой продукции приведены в работах Б.Н. Тютюнникова, А.Л. Маркмана, А.Г. Сергеева, А.И. Глушенковой, А.П. Нечаева, В.В. Ключкина, Н.С. Арутюнян, Е.П. Корнена, А.Н. Лисицина, Ю.К. Кадилова, С.А. Абдурахимова, И.Б. Исабаева, А.Т. Рузибаева, С.Х. Абдураззаковой, Г. Рахмонбердиева, Д.А. Рахимова, Қ.О. Додаева и др.

В результате их исследовательских работ было выявлено использование саломаса, хлопкового пальмитина, пальмового масла, переэтерифицированных жиров и хлопкового масла, рекомендовано снижение их негативного влияния на органолептические показатели маргарина, методы ускорения процессов охлаждения маргариновой эмульсии, методы повышения стабильности маргариновой эмульсии и методы его эффективного хранения. Также исследованы технологии глубокой переработки инулинового сырья, а также производство и хранение инулиновых пищевых продуктов.

